

ЯНГИ 2002 ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
С НОВЫМ 2002 ГОДОМ!



Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш

Здравоохранение Узбекистана

№ 10 (256) 29 декабр 2001 йил — 7 январ 2002 йил.

Газета 1995 йил октябр ойидан чиқа бошлаган.

Сешанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Юртимиздаги
барча ёш улус
инсонларининг
иззат-хурматининг
жойига қўйиш
мақсадида мен
кириб келаётган
йили —
2002 йили
мамлакатимизда
Қарияларни
қадрлаш йили,
деб эълон
қилишни таклиф
этаман.

И. КАРИМОВ.



— Биздек қарияларни хурматимизни ўрнига қўйиб, эҳтиром ила янги йилимизни Қарияларни қадрлаш йили деб таклиф этган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Азиз юртдошлар!

Сизларни ва оила аъзоларингизни кириб келаётган янги 2002 йил билан самимий қутлайман. Сизга, юртимизнинг равнақи, фаровонлиги, тинч-осойишталиги, халқаримизни дўст-биродарлигини, соғлиқ-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман. Ҳамиша соғлиқ-саломатлик, бахтли ҳаёт, ширин турмуш ҳамроҳингиз бўлсин! Янги йилингиз қутлуғ келишига тилақдошман!

Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ.

УЛКАН МАСЪУЛИЯТЛАР АСОСИДА

АЗИЗ МУХЛИСЛАР!

2001 йил Республикамиз учун, шу жумладан тиббиёт ходимлари учун энг улус йил, яъни иқтисодий, сиёсий ҳамда тиббиёт соҳасида улкан ютуқларга эришилган йил ҳисобланди.

Президентимиз томонидан 2001 йил «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши ҳамда Давлат дастурининг қабул қилиниши оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасини яна бир бор юқори поғонага кўтарилишининг ёрқин далили бўлиб ҳисобланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Оналар ва болалар» Давлат дастурида кўрсатилган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш борасида асосий эътиборни она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарни ёрдамида уларни соғлигини кузатиб бориш, бола туғилган пайтдан бошлаб доимий тиббий назорат ўрнатиш, унинг соғлом ўсиши учун турли хил касалликларга қарши мунтазам равишда эмлаб бориш ва бошқа профилактика тадбирларини мунтазам амалга ошириш

ишларига қаратилди.

«Она ва бола» Давлат дастурини бажарилишида бошқа вазирликлар, жамғармалар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали ишлар амалга оширилди.

Республикадаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларининг моддий техник базаси мустаҳкамланди, чунончи, Гулистон шаҳри реабилитация соғломлаштириш маркази Финляндиянинг «Медко-Медикал» фирмасидан 2,8 млн. АҚШ доллари, Навоий вилоятининг Нурута тумани туғруқ комплекси 1,2 млн. АҚШ доллари қийматида тенг бўлган, Фарғона вилояти Бешарик «Она ва бола» маркази 107,6 млн. сўмлик, Кува «Она ва бола» маркази 56 млн. сўмлик, Хоразм вилоят болалар шифохонаси 112 млн. сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, ишга туширилди. Шунингдек, мазкур йилнинг 11 ойи давомида «Ўзтибтехника» тизими бўйича оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини жиҳозлаш учун 800 млн. сўмдан ортқ тиббий жиҳозлар, қишлоқ врачлик пунктларини жиҳозлаш бўйича «Саломатлик-1»

дастурига биноан 5,5 млн. АҚШ доллари тиббий асбоб-ускуналар олиб берилди.

Бажарилган муҳим ишлардан бири бу аҳолига кўрсатилаётган акушерлик ва гинекология хизматини янада яхшилаш, оналар ва гўдақлар касалликларини чуқур таҳлил қилиш, амалиёт шифокорларига асосланган методик кўрсатмалар бериш мақсадида Нукус, Қарши, Наманган ва Жиззах шаҳарларида Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг филиаллари ташкил этилди ҳамда малакали мутахассислар билан таъминланди. Ушбу масканлар ҳозирги даврда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда, жумладан, Жиззах филиали лапароскоп, Нукус филиали ультратовуш ускунаси шунингдек, барча филиаллар «ДАМАС» русумли автомашиналар билан таъминланди. Капитал таъмирлаш ишлари учун Қарши филиалига 150 млн. сўм, Жиззах филиалига 450 млн. сўм сарфланди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

Бир олам тилакка ҳамоҳанг бўлиб, Остонамни ҳатлаб келар янги йил. Энтиккан юраклар ўйларга тўлиб, Термулиб қоламиз — кетар эски йил.

Ёшликнинг суронли ажиб даврида, Кутдим янги йилни янги орзула. Дўстлар жамланган тўқис даврада. Қадахла айтардик қувноқ ашула.

Бугунчи маъюслик чулғайди таним, Сочимга йилларнинг қирови инган. Кўксимда шодликка йўғрилган гамим, Кўнгил-чи эртанга умидвор экан.

Ўзим ҳам билмайман эртанги кунга, Қандайдир ёқимли илинжларим бор. Сокинлик бегона ушбу тунимда, Эртанга бир олам тилакларим зор.

Ҳўжамназар АБДУЛЛАЖОНОВ.

ЯНГИЛИКЛАР

• НОВОСТИ
• СОБЫТИЯ
• КОММЕНТАРИИ

ЮНИСЕФ: ДЕТИ УЗБЕКИСТАНА — ПОД ЗАЩИТОЙ ГОСУДАРСТВА



ведущая
тема доклада ру-
ководителя пред-
ставительства
ЮНИСЕФ — Детс-
кого фонда ООН в
Узбекистане Руди

Родригеса, с которым он вы-
ступил перед работниками
здравоохранения, народного

образования и негосудар-
ственных организаций в Таш-
кенте.

В докладе отмечалось, что с
первых лет независимости рес-
публики приоритетным направле-
нием государственной политики
стало укрепление здоровья мо-
лодого поколения, социальная за-
щита матери и ребенка. В этой
области большую роль сыграли
программы «Мать и дитя», «Здо-
ровое поколение». Наряду с ми-
нистерствами и ведомствами в
претворении в жизнь этих про-
грамм принимают участие 50 не-
правительственных организаций.

Семьям, нуждающимся в со-
циальной защите, уделяется по-
стоянное внимание.

Работа, проводимая в области
социальной защиты матери и
ребенка, высоко оценена ООН.

Кашқадарё

ВИЛОЯТИ

ЯНГИ ЙИЛГА ТУҲФА

2001 йилда Кашқадарё ви-
лоят Давлат санитария-эпиде-
миология хизматининг матери-
ал-техник базасини мустақ-
камлаш борасида талай ишлар
амалга оширилди.

Давлат бюджетли маблаглари
хисобидан Шахрисабз туманида
янги замонавий туман ДСЭНМ
учун 3 қаватли лаборатория комп-
лекси барча жиҳоз ва лаборато-
рия аппаратлари билан миға ту-
ширилди.

Муборак газ қазиб чиқариш
бошқармасининг ҳомилик маб-
лаглари хисобидан Муборак ту-
ман ДСЭНМ учун махсус лойиҳа
ассосида қурилган бино фойдала-
нишга топширилди. Вилоят
ДСЭНМнинг бактериология лабо-
раторияси янги капитал таъмир-
ланган бинога кўчирилди.

УЛКАН МАСЪУЛИЯТЛАР АСОСИДА

(Боши 1-бетда).

Биринчи маротаба янги тизимлар жорий қилинди:

- Тошкент шаҳри ва республиканинг 8та вилоятларида «Она ва бола» Скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда;
- Ёшларни оила қуришларидан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш;
- Никоҳдан ўтувчи ёшларни соғлом оила қуришга тайёр-
лаш бўйича доимий ўқув курсларининг ташкил этилиши;
- Ёш оилани патронаж қилиш;
- Қизлар ва ўсмир қизлар Республика репродуктив мар-
кази ишга туширилди;
- Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида илмий-
техник дастурлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилин-
моқда;

● АҚШнинг Иллинойс Тиббиёт Университети ва 2-Тошкент
тиббиёт институтининг чақалоқларни бирламчи реанимация
қилиш тажрибаси неонатология хизматида тадбиқ қилинди.
Соғлом бола туғилиши ҳамда туғилган болаларни сало-
матлигини яхшилашга замин яратиш мақсадида «Балогат
даврий», «Жозибадор табассум», «Соғ тан — соғлом бола»,
«Хавфсиз эмлаш», «Бехатар оналик», «Болалар касалликла-
рини интеграллашган усулда олиб бориш» ва «Силга қарши
курашиш» ҳамда бошқа дастурлар бўйича ишлар амалга
оширилмоқда.

Репродуктив саломатлиқни яхшилаш ва соғлом оилани
шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масала-
лари бўйича кенг аҳолига, айниқса ёшлар учун мўлжаллан-
ган «Камқонлик», «Бўлажак келин-куёвларга фойдали масла-
ҳатлар», «Ҳомиладорликнинг олдини олиш усуллари ҳақида»,
«Оқибатини ўйлаб кўрайлик», «Туғруқлар, ораллиги ҳақида»,
«Тўғри овқатланиш саломатлик асоси» каби 18000 нусхада
рисолалар, 80000 нусхада буклетлар, 24 нусхада плакатлар,
10000 нусхада қўлланмалар, 42000 нусхада ўқув қўлланма-
лари чоп этилиб аҳолига тарқатилди.

Соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши масалалари рес-
публика ҳамда маҳаллий телевидениелар орқали тузилган
режа асосида кенг еритилиб боришмоқда.

Йил бошидан туғиш ёшидаги аёлларнинг 98,4 фоизи тиб-
бий кўрикдан ўтказилди ва уларда мавжуд бўлган касаллик-
лар аниқланиб, соғломлаштириш ишлари олиб борилди. Она
сути билан гўдакларни боқилиш қўлаб-қувватлаш ва тарғи-
бот қилиш бўйича Андижон вилоятининг Бўз, Балиқчи, Фар-
ғона вилоятининг Қувасой, Богдод, Навоий вилоятининг
Навоий ва Қизилтепа туманларида 120та тиббиёт ходимлари
18 ва 40 соатлик ўқув дастурлари асосида ўқитилди. Респу-
бликамиздаги 14 та оналик ва болаликни муҳофаза қилиш
муассасалари халқаро экспертлар томонидан мониторинг
қилиниб, «Болаларга дўстона муносабатдаги шифохона» хал-
қаро сертификатини олишга муяссар бўлишди.

Кичик ёшдаги болалар касалликларини интеграллашган
усулда олиб бориш стратегиясини амалга ошириш мақсади-
да Фарғона ва Навоий вилоятларида халқаро ташкилотлар
(ЮСАИД (АБЗдрав+саломатлик лойиҳаси), ЖССТ, ЮНИСЕФ)
ҳамкорлигида 11 кунлик ўқув курсларида 63 та педиатр
ўқитилди ва ушбу стратегия ўқув қўлланмаларини 7та модер-
ни, 1та схема буклети ўзбек тилига таржима қилиниб чоп
этилди.

Республикада болаларни бошқарилувчи инфекция касал-
ликларига қарши эмлаш ишлари янада яхшилашга йўналтирилди.
Бунинг учун ЮНИСЕФ орқали 1.285.000 доза вакциналар ви-
лоятларга тақсимлаб берилди, бу 425 млн. 200 АҚШ долла-
рини ташкил этди. 27-28 сентябрда Туркиянинг Истамбул
шаҳрида ЖССТнинг 8-чи йигинида бошқа давлатлар қатори
Ўзбекистон Республикаси ҳам полиомиелитни қақирувчи
ёввойи штаммидан озод деган сертификатни ҳимоя қилди.

Хозирги кундаги энг асосий омиллариимиздан бири бу врач-
ларнинг билим савиясини оширишдир. Бу мақсадда республи-
када 1867 та акушер-гинеколог ва педиатр, қишлоқ врач-
лик пунктларида фаолият кўрсатаётган 308 та шифокор Тош-
кент врачлар малякисини ошириш институти, Андижон ва
Самарқанд тиббиёт институтларининг малака ошириш фа-
культетларида ўқитилди, шунингдек, бир гуруҳ акушер-гине-
колог ва педиатр шифокорларимиз 2002 йилнинг январ ойи-
да хорижий мамлакатларга малака оширишга юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2001 йил тиббиёт тизимида энг
муваффақиятли, энг асосий самарали ишлар билан бой
бўлган йил бўлди деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ф. НАЗИРОВ.

В ДАР — ЗДРАВООХРАНЕНИЮ УЗБЕКИСТАНА

Эти реанимобили накануне
нового года пополнили экстрен-
ную медицинскую службу Узбе-
кистана. Оба они — дар извест-
ных фармацевтических компаний —
«Ново Нордиск» (Дания) и
«Фест фармасьютикал» (Великоб-
ритания).

Бык, держащий в рогах солн-
це, — древний символ здоровья
и плодородия — эмблема компа-
нии «Ново Нордиск» украсила ре-
анимобиль, дар этой компании.
Он оснащен всем необходимым
оборудованием для реанимации
— в том числе дефибрилятором
ДКИ-Н-84 м, электрокардиогра-
фом ЭК1М-04, дыхательным ком-
плексом «Пневмокомп».

Региональное отделение компа-
нии, начавшей работу восемь-

десят лет назад, со времени,
когда был создан инсулин, и яв-
ляющейся ныне одной из веду-
щих по производству этого необ-
ходимого препарата для людей,
страдающих сахарным диабетом,
открыто в Узбекистане в 1994
году. За эти годы «Ново Нордиск»
зарекомендовала себя не только
как поставщик качественного пре-
парата, но и стала поистине доб-
рым спутником нашего здраво-
охранения: многократно его пе-
редавались инсулины, шприц-
иглы для больных, особенно де-
тей.

Компания стала организатором
специального Центра профилак-
тики осложнений сахарного диа-
бета, для которого были подго-
товлены кироводисты. Врачи-эн-

докринологи из Англии, Дании
обучали этой тонкой специаль-
ности своих узбекских коллег. Не-
сколько из них за счет компании
проходили обучение в зарубеж-
ных странах в известных меди-
цинских центрах.

«Фест фармасьютикал» за
шесть лет сотрудничества с рес-
публикой открыла в Ташкенте со-
вместное и дочернее предприя-
тие, где выпускаются лекарствен-
ные средства 12 наименований.
Это второй реанимобиль, пере-
даваемый компанией здравоохране-
нию республики.

Оба реанимобиля по специаль-
ному заказу изготовлены в Рос-
сии на автозаводе в Нижнем
Новгороде.

Ф. СВЕТЛАНОВА.



ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мана эски йилмиз ҳам поёнига етиб, янги
йилмиз ҳам кириб келди. Бутун Ўзбекисто-
нимизнинг ҳамма жойида байрам шуқуҳи
давом этмоқда. Жумладан, бизнинг 1-ТошДав-
ТИда ҳам янги йил байрами сермулоҳазали,
мазмундор оҳангда, қизилқарли сахнавий кўри-
нишлар, кулгили томошалар, талабалар то-
монидан ижро этилган кўшиқ ва рақслар
билан ўзига хос тус олди.

Кейинги йилларда Республикамиз микёсида
маънавий ва маърифат соҳасига катта эътибор
билан қаралмоқда. Олийгоҳимиз раҳбарияти ҳам
талабаларни маънавий ва маърифий жиҳатдан ҳар
томонлама шакллантириш борасида бир қатор
иқибий ишларни амалга оширмоқда.

Янги йил арафасида Олийгоҳимизнинг тиббий
педагогика, олий маълумотли ҳамширалар, Сто-
матология ва Даволаш факультетларининг 1-курс
талабалари томонидан намойиш этилган байрам
дастурлари йиғилган меҳмон ва мезбонларга кўтар-
инкилик руҳини бахш этди.

Тантанамизда институтимизнинг маълумотли
ҳамширалар бўлими талабалари ўзларининг чи-
ройли рақслари ва жанрндор куй-қўшиқлари би-

лан санъат бўйича 1-ўринга эга бўлишди. Стома-
тология факультети ҳам бундан мустасно бўлмади,
уларга фахрли 2-ўрин насиб этди. Даволаш ва
тиббий педагогика факультетлари талабалари эса
ўзларига мос сахнавий кўринишларни намойиш
этиб, 3-ўринни олишга муваффақ бўлди.

Мана шундай байрам тадбирларини ўтказиш, бу
байрамларни ташкиллаштириш, ёшларни Ватанга
содиклик, юртга жонқуяр этиб тарбиялаш, олийго-
ҳимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида мужас-
самлашган. Тадбирда институтимиз ректори ЎзФА
академиги Т. Даминов, стоматология факультети
декани профессор О. Йўлдошқонова, тиббий педа-
гогика факультети декани профессор А. Жўраев,
даволаш факультети декани профессор Т. Каю-
мов, олий маълумотли ҳамшира бўлими декани
доцент Н. Янгиева ва илмий ишлар бўйича про-
ректор М. Каримов иштирок этдилар.

Биз 1-ТошДавТИ олий маълумотли ҳамширалар
бўлими талабалари сиз азиз юртодошларимизни
янги 2002 йил билан самимий мубрақбод этамиз.
Доимо соғлиқ, бахт ва омонлик тилаймиз. Бутун
умр кулгу ва табассум ҳамроҳингиз бўлинг!

Шухратжон НЕЪМАТОВ,
1-ТошДавТИ талабаси.



Ўзбекистон Республикаси Саломатлик институти Қашқадарё вилояти филиали Республикаси Мустақилликка эришгандан сўнг, ўтган 10 йил мобайнида аҳолига тўғри гигиеник тарбия ишларини такомиллаштириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 1998 йил 10 ноябр ПФ-2107 сонли фармони, «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурларини ҳаётга тадбиқ қилиш, чет эл сармояларини жалб этиш ва келажақда Соғлом авлод пойдеворини яратишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107 сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 20 мартдаги 101 сонли «Саломатлик институтини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғини бажариш мақсадида, 2001 йил Республика Саломатлик институти Қашқадарё вилояти филиали Қарши шаҳрида ташкил этилди.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

СОҒЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Институт фаолиятининг асосий мақсади:

ҳудуд аҳолиси саломатлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, жисмонан бакуват, руҳан тетик, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга йўналтирилган комплекс профилактик, ўқув ва тарғибот чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳамда шу таҳлил асосида соғлиқни сақлаш ривожлантиришнинг стратегик йўналишини аниқлаб беришдир.

Институтининг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

1. Профилактик тиббиёт соҳасида ишлаб чиқилаётган ва бажарилаётган дастурларни мувофиқлаштириш.
2. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, ҳамда рационал овқатланишни фаол тарғибот қилишни таъминлаш.
3. Саломатлиқни муҳофазалашда аҳолини ҳуқуқий, ҳамда гигиеник тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш.
4. Жисмоний тарбия билан соғломлаштириш, ҳамда оммавий спорт ҳаракатларини профилактик тиббиёт билан уйғунлаштириш.
5. Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи турли ташқи муҳит омиллари ва шароитларини (табiiй, ижтимоий, иқтисодий, миллий, руҳий ва ҳ.к.) ўрганиб, ҳамда олинadиган статистик маълумотлар асосида эпидемиологик таҳлил, моделлаштириш, башорат қилиш усулларида фойдаланиб, миллат саломатлигини илмий асосланган мониторинг тизимини ишлаб чиқиш.



Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 августдаги «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунининг 2-, 5-моддаларини бажарилишини таъминлаш, аҳолига тўғри гигиеник таълим бериш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳамда соғлом авлод пойдеворини яратиш мақсадида 1998 йил оммавий ахборот воситалари орқали, яъни вилоят, шаҳар телевидениеларидан «Саломатлик» кўрсатуви, вилоят радиосидан «Соғлом ҳаёт» саҳифаси, «Қашқадарё», «Қашқадарья» ва «Нафосат» газеталаридан «Дўхтир оғохлантиради» руқнлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 1996 йил 22 мартдаги 106-сонли «Декретив гуруҳга оид аҳолини махсус курсларда гигиеник тайёрлашни такомиллаштириш ҳақида»ги буйруғини бажариш мақсадида 1998 йилда ҳўжалик ҳисобидаги бўлим ташкил этилди ва 2000 йил давомида 1874 та аҳоли махсус курсларда ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 феврал «Соғлом авлод Давлат дастури тўғрисида»ги 46-сонли қарорининг «Фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бўлимлари ҳузурида, ёшларни оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курслар ташкил этиш тўғрисида»ги 4-бандини бажарилишини амалга ошириш, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом авлодни дунёга келиши, ҳамда камол топиши ҳақида тушунарларни ёшлар онгига синдириш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоят Саломатлик Маркази, вилоят Адлия бошқармаси, Қарши шаҳар ФХДБ бўлимлари ҳамкорлигида доимий ишловчи «Ёш оила мактаби» курслари 2000 йил апрел ойда ташкил этилди, ҳамда 2000 йил 26 апрел куни Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Ёш келин-куёвлари оилага тайёрлаш» ма-

зусида семинар кенгаш ўтказилди. 2000 йил давомида Қарши шаҳрида «Ёш оила мактаби» курсида 742 та ёш йигит-қизлар ўқитилди. Ўқитиш давомида вилоят Саломатлик институти филиали томонидан тайёрланган видеотасвирлар кўрсатиб берилди.

2000 йил давомида вилоят бўйича шаҳар ва туманлардаги болалар шифохоналарида, ҳамда туруқ комплексларида 461 та «Оналар мактаби» ташкил этилди ва унда 72882 та ёш оналар ўқитилди.

1999-2000 йил давомида вилоят Саломатлик институти филиали томонидан «Ўткир юқумли ошқозон ичак касалликлари ва унинг профилактикаси», «Исталмаган ҳомиладорликни олдини олишда контрацепция воситаларидан фойдаланиш», «Соғлом авлод — миллимиз келажаги» 15 минутлик видеоклиплари тайёрланди, ҳамда уни маҳаллаларда, ташкилотларда, вилоят ва шаҳар телевидениеларидан кўрсатиб борилмоқда.

1999-2001 йиллар давомида «Эркак оиланинг таянчи», «Эркаклар ўз аёлларинингизни асранг», «Ҳаво томчи инфекциялари», «Гриппдан сақланинг», «Ўткир юқумли ошқозон ичак касалликларидан сақланинг», «Заҳарли қўзқоринларни истеъмол қилманг», «Бугдойга қўшилган кўкмараз ва кампирчопон захарли ўсимликлар уруғидан заҳарланишдан ўзингизни сақланг!», «Оқсим хавфли касаллик» буклетлари ва варақалари ҳўжалик ҳисобидан топилган маблағдан вилоят типографияси орқали чоп этилди, ҳамда барча вилоят, шаҳар, туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларига тарқатилди.

Жамоамиз вилоят Маънавият ва Маърифат маркази, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят она ва бола Скрининг маркази, вилоят Наркология диспансери, вилоят Тери-таносил диспансерлари ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли «Воёга етмаган болалар ва ўсмирлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини та-

комиллаштириш ҳақида»ги қарори, 8-бандини бажариш, яъни даволаш-профилактика муассасаларида руҳий касалга чалинган гиёхвандлик ва ичкиликбозликка ружў қўйган, воёга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш, ҳамда уларни даволаш ишларини қатъий йўлга қўйиш мақсадида, Қарши шаҳридаги «Чакар», «Заҳиммахорон» маҳаллаларида, педагогика билим юртида, Қосон туманидаги Гувалак жамоа ҳўжалигидаги 19-қасб-хўнар мактабиде, вилоят Марказий банкида, Турон банкида «Соғлом авлод — Миллатимиз келажаги», «Гиёхвандлик — XXI аср вабоси», «Аёлингни асрагин халқим» мавзуларида 6 та семинар ўтказилди. Семинар давомида Институтимиз томонидан тайёрланган видеоклиплар кўрсатилди. 2000-2001 йиллар давомида Қарши шаҳридаги 5, 10, 15, 29-сонли ўрта мактабларда «Саломатлик» курслари ташкил этилди ва уларга «Гиёхвандлик ва унинг зарарли оқибатлари» (СПИД, юқумли таносил касалликлари, ногиронлик ва бошқалар) ҳақида маърузалар ўқилди, ҳамда шунга мос видеоклиплар кўрсатилди, жами 501 та ўқувчи ўқитилди.

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларда ўткир юқумли ошқозон ичак касалликларини олдини олиш, воёга етмаган болалар ўртасида гиёхвандлик, алкоголизмнинг асоратлари ва уларни олдини олиш (Қарши, Баҳористон, Ғузор, Дехқонobod, Қасби, Чироқчи туманлари ва Қарши шаҳри) 1 та шаҳар ва 6 та туманларда 700 та ёш оналарни тиббий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида, Вилоят Саломатлик Марказининг бош врач Шоира Набиева томонидан ёзилган «Соғлом она — Соғлом бола» проекти, Американинг «Джорж

Ҳозирги кунда институтимиз томонидан 7 та туманда 28 та семинар ўтказилди ва унда 700 ёш оналарни тиббий ва ҳуқуқий билимлари оширилди, шу билан бир қаторда 5 хил турдаги буклетлар чоп этилди, ҳамда ёш оналарга тарқатилди. Июл ойда «СОРОС» жамғармаси томонидан институтимизга 1250 АҚШ доллари қийматига эга бўлган компьютер, монитор, лазерли принтер ва модем алоқа аппаратлари тақдим этилди.

Шунингдек, вилоят тиббиёт кутубхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда 12500 дан ортиқ тиббиётга оид ва ўзбек адабиётларидан ташкил толган китобларига, оммабоп газеталар, журналлар, монографиялар ва илмий-тиббий ахборотларга эга. Вилоят тиббиёт кутубхонаси 1998 йилдан бери Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти (ЖЕНЕВА)дан тиббиёт соҳасига оид жаҳон бўйича охириги маълумотлар ва қўлланмалар билан таъминланмоқда.

2001 йил 5-15 сентябр кунларида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Дорити Нельсон бошчилигидаги «Саломатлик» гуруҳи вакиллари вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоят Саломатлик институти ҳамкорлигида аҳоли ўртасида «Саломатлик» кўргазмаси, ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича семинар ўтказилди.

2001 йил 6 ноябр куни Тошкентда Соғлом авлод халқаро хайрия жамғармаси Республика илмий-амалий конференциясида мактаб, лицей, коллежларда гиёхвандликка қарши олиб борилаётган тарғибот ишлари методикаси бўйича Ш. Набиева маъруза қилди ва саломатлик институти филиали томонидан тайёрланган видеоклиплар кўрсатилди.



Сорос» жамғармаси томонидан 2000 йил 20 декабрда тасдиқланди. Бу проекти 2001 йил давомида амалга ошириш учун 5742 АҚШ доллари «СОРОС» жамғармаси томонидан ажратилди, ҳамда 28 та семинар ўтказилиши, 5 хил турдаги 3500 нуҳсада буклетлар чоп этилиши, ва «СОРОС» жамғармаси томонидан вилоят Саломатлик институти филиалига компьютер, монитор, принтер ва модем алоқа аппаратлари берилиши кўзда тутилган.

Мана ўтган йилмиизга яқун ясар эканмииз, амалга оширган ишларимиз самарасиз кетмаслиги учун янги режалар асосида давом эттириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўз меҳнатларимизни аямаймииз. Ҳаммаганизни янги йил билан кўтлайман. Ишларингизга омад, ўзларингизга эса соғлиқ тилаб қоламан.

Шоира НАБИЕВА,
Қашқадарё вилоят Саломатлик Марказ бош врач.



Шошилинч Тиббий Ёрдам

МАТОНАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Ангрен шаҳар 1-Марказий шифохонаси фаолияти ҳақида сўз юритганда бу масканнинг хизмат кўрсатиш ҳудудини беадад десак ҳеч ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Айнан шу маскан туфайли ҳаётлари сақлаб қолинган, соғлиқлари қайта тикланганларни бугун нафақат шаҳарнинг ўзидан, балки бутун Республикада, яна олис-олисларда ҳам учратиш мумкин.

Ангрен — биринчидан, «Буюк ипак йўли» аталмиш трассанинг доғида қисмига энг яқин шаҳар бўлса, иккинчидан маҳаллий ҳудуди анча кенг. Елкаларида улкан масъулият юқини кўтариб, захматқашона меҳнат қилаётган, нафақат маҳаллий аҳоли соғлигининг соқчисига айланган, қолаверса, доғон йўлида учраб турадиган турли кўнгилсизликлар, автохалокатларда неча юзлаб инсонларнинг дардига малҳам бўлган, қанчасига ҳаёт бахш этган, ҳуллас, нажот истаб келувчи ҳар қандай инсоннинг оиласига имкон борича осойишталик ато этишига интилаётган ушбу шифохона ходимларига ҳар қанча таҳсинлар айтсанг оз.

«Табобат барча санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир», деган экан Гиппократ. Ана шу санъат ўз соҳибидан мислсиз матонат, улкан масъулият, шижоат, жасорат, сабр, меҳр талаб қилади. Баъзан қўлга кирган оддий зирагчани эглаб олиб ташлашга ожизлик қилсану, шифокорларнинг мўъжизавий фаолиятига қойил қолмай илож йўқ. Шундай пайт шифокорларнинг матонатига балли-е, деб қўйсан, беихтиёр.

Аҳолига тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш, профилактика ишларини олиб бориш мақсадида 265 ўринга мўлжалланган ушбу шифохонада лаборатория, марказлашган стерилизация пункти, рентгенография кабинетлари, кўча рентген аппарати, УЗИ, ФГС, марказлашган диспетчерлик пунктлари ишлаб турди. Қабул бўлимида эса терапевт, жаррох, травматолог ва иккита ҳамширанинг доимий наёбатчилиги ташкил этилган. Шунингдек, марказий шифохонага қарашли Қамчиқ врачлик пункти фаолиятини эса алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бош шифокор ўринбосари Шўхрат Усмоновга мақсадимизни тушунтирганимиздан сўнг ҳамроҳликда юқори қаватга яъни шошилинч тиббий ёрдам бўлимига кўтарилдик.


Клиника юраги ҳисобланмиш 30 ўринга мўлжалланган шошилинч тиббий бўлимида осойишта тартиб ҳукм сурмоқда. Бу бўлимда масъул шифокор жаррох, травматолог, иккита терапевт, реаниматолог, врач-лаборант, рентген-лаборант наёбат билан ишлайди, таништириш бошладди ҳамроҳим. Оппок халатлари ўзларига ярашиб турган ҳамшираларни иш устида учратдик. Ўзларини Аҳмедова Нилуфар ва Қажҳорова Нодира деб таништиришди.

— Бу бўлимда ишлаш қийин эмасми? — деган саволимизга, — ўрганиб кетганимиз, — дея қулиб жавоб қайтариб қўя қолишди қизлар. Уларнинг ортиқ вақтларини олмасдан бошқа хонага ўтдик. Реаниматолог Э. Абдукаримов, реанимация бўлимининг бошлиғи Татаркина ва ҳамширалар бўлажак операцияга жиддий ҳозирлик кўришадиган экан. Уларнинг диққатини бўлмасликка ҳаракат қилиб, палаталардан бирига ўтдик.

— 27 кундан буён шу ерда даволанаяпман, дўхтирларга раҳмат, куну-тун хабар олиб туришибди. Ҳозир анча яхшиман, — дейдилар кўзларида чексиз миннатдорчилик уфуриб турган кекса онахон Ҳожибиби Қўзиёева.

Шундан сўнг, Шўхрат Усмонов билан унинг хонасида бафуржа суҳбатлашиб ўтирдик.

— Маълумки, олдинги вақтларда беморларни шифохонага ётқизиш



кескин қисқартириш, амбулатория ва поликлиникаларда жаррохлик, саломатлиқни тиклаш, профилактика ишларини кенгайтиришга эътибор кўчатирилди. Шунингдек, кейинги йилларда уй шароитидаги стационарлар тармоғи ҳам кенгаймоқда. Ана шундай стационарларда режа бўйича 8362та бемор даволаниши керак бўлган бўлса, амалда 8615та бемор ўз саломатлигини тиклаган.

УЛКАН РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРИШ АРАФАСИДА

Тиббиётда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини кўтариш, тармоқни иқтисодий ҳимоялаш, мутахассис кадрлар малакасини ошириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасига амал қилиб, тиббий хизмат кўрсатишнинг илгор усулларини қўллаш бугунги куннинг муҳим ва асосий масалаларидан биридир. Шунингдек, олган ҳолда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Йўл қурилиш вазирлиги, Темир йўл Вазирлиги, «Ўзнефтегаз» Бош бошқармаси ҳамкорликда маблаг ажратиб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, жаҳон стандартларига тўла мос келувчи янги типдаги Ангрен филиалини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз — шифохона фаолияти билан яқиндан танишиш, уларнинг ютуқлари, муаммолари, режалари ҳусусида дилдан ва албатта, самимий суҳбатлашиш эди. Ушбу чиқишимиз орқали эса шифокор меҳнатини қадрлашга оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшсак, деган ниятда сафаримизга яқун ясадик.

Хоналарни кўздан кечирар эканмиз, бу ердаги сарамжон-саришталик, керакли дори-дармонларнинг барчаси мавжудлиги, операцион блок, сунъий нафас олдириш мосламаси, электр токи бўлмайд қолган пайтда унинг ўрнини босувчи маҳсул мослама ва бошқа тиббий асбоб-ускуналарнинг тахтлигини кўриб хурсанд бўлдик.

— Кўнунга ўртача 10-12 беморга тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди ҳамшира М. Мейрова. — Фидойи шифокорларимизнинг ёрдамлари туфайли ҳаётга қайтган, соғайиб кетгач қилиб, ўз миннатдорчиликларини билдириб кетувчилар ҳам йўқ эмас. Шундай пайт меҳнатимиз бесамар кетмаганлигидан кўнглимиз тоғдай кўтарилади.

Шунинг таъкидлаш жоизки, шарт-шароит етарли жойда ишга масъулият ҳисси юқори бўлади. Имкон қадар, рўй беражак ҳодисаларни олдинроқ аниқлаш, уларга қарши ўз вақтида чора қўриш, ҳар доим, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятларга тайёр, шай туриш муҳимдир. Зеро, масъулият ҳисси ҳеч қимми тарк этмасин.

Гулбаҳор САТТОРОВА.
Шаҳобиддин РАФИКОВ
суратлари.

МЎЪЖАЗГИНА МАСКАН

Кичкинагина мўъжаз маскан бўлмиш Қамчиқ доғони яъни Ангрендан 26 км.да Ангрен шаҳар Марказий шифохонасига қарашли тез тиббий ёрдам врачлик пункти фаолият кўрсатаётганлиги ҳам ушбу шифохона ходимларининг шарафли меҳнатлари туфайли ўз муҳлисларига эга бўлмоқда.

Ҳақиқатда ташрифимизнинг боши, албатта, ушбу тез тиббий ёрдам врачлик пункти шаънига айтилаётган илқ гаплар, миннатдорчиликлар бўлди.

— Мана, икки йилдирки, шу ернинг ўзида вазиятга қараб, бирламчи тез тиббий ёрдамнинг барча усулларини қўллаб келмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда жаррох Б. Қурбонкулов. — Сафарингиз бехатар бўлсин, ишингиз бароридан келсин деймиз, аммо... Аммо фалокат ҳам оёқ остида турар экан. Биз истаймизми, йўқми, барибир турли автохалокатлар, йўловчиларда турли хасталикларнинг ҳуруж қилиб қолиши, йўлсозларнинг иш жараёнидаги кўнгилсизликлар, шу яқин атрофдаги аҳолининг тиббий эҳтиёжи — учраб турадиган ҳолат. Бизнинг вазифамиз эса, керакли ёрдамни ўз вақтида бериш, яъни зарурат туғилганда жаррохлик столига ётқизиш, муолажа қилиш ва зудлик билан шаҳар касалхонасига етказиб келишдан иборатдир.



ПО ЖИЗНЕННЫМ ПОКАЗАНИЯМ

НЕОТЛОЖНАЯ ПОМОЩЬ
ПРИ МНОЖЕСТВЕННЫХ СОЧЕТАННЫХ
ПОВРЕЖДЕНИЯХ ОПОРНО-ДВИГАТЕЛЬНОГО
АППАРАТА

Наша работа основана на опыте лечения 116 больных в возрасте от 5 до 82 лет с множественными и сочетанными повреждениями. Всех пострадавших с множественными и сочетанными повреждениями мы разделили на три группы: в первую группу вошли 60 человек с множественными переломами, во вторую — 24 с сочетанными повреждениями органов брюшной полости и костей скелета, в третью — 32 с сочетанными повреждениями головного мозга и опорно-двигательного аппарата.

Травматический шок наблюдался в 56% случаев. Тяжелые нарушения жизненно важных функций (шок, кровоотеря, нарушение дыхания, коматозное состояние) у этой группы пострадавших требуют неотложного проведения реанимационных мероприятий, выбора метода обезболивания и оптимального срока проведения операции.

Тяжелым больным мы проводили весь комплекс реанимационных и противошоковых мероприятий. Для обезболивания мест переломов применяли междомкостную анестезию 2-процентным раствором новокаина, для вправления вывиха — внутривенный наркоз, при полостных и костных операциях с длительностью 1-3 ч. — эндотрахеальный наркоз.

В неотложном порядке операции проводятся только по жизненным показаниям — для остановки профузного наружного или внутреннего кровотечения, устранения причин резких расстройств дыхания. Эти операции мы выполняем в течение 1-2 ч. с момента травмы. В остальных случаях оперативные вмешательства предпринимает после выведения пострадавших из состояния шока и нормализации гемодинамических показателей.

Нами выполнялись следующие оперативные вмешательства: трахеотомия при тяжелых черепно-мозговых травмах 5 пострадавших, трепанация черепа — 6 больным, ушивание раны печени — в 8 случаях, кишечника — 5, брызжейки — 5, мочевого пузыря — 6, удаление почки — 2, ампутирование конечности — 8, первичная хирургическая обработка раны — 23, вправление вывиха — 3.

Для лечения переломов гипсовую повязку применяли в 58 случаях, скелетное вытяжение применяли в 73 случаях, отсроченный остеосинтез при переломах бедра и голени — в 24 случаях, аппарат Илизарова применялся в 8 случаях.

Из 116 пострадавших с множественными и сочетанными повреждениями выживших вывели 24 (21,8%). Причинами смерти были шок и кровопотеря (13 человек), ушиб мозга (8), перитонит (3).

Х. Т. ТУХТАСИНОВ, О. С. СИДДИКОВ,
А. Т. СУЛТОНОВ

Ферганский филиал ИТашГосМИ, Узбекистан.

НЕОТЛОЖНЫЕ ВМЕШАТЕЛЬСТВА

ПРИ ЖИЗНЕУГРОЖАЮЩИХ СОСТОЯНИЯХ
У БОЛЬНЫХ СО СЛОЖНЫМИ
ЦИАНОТИЧЕСКИМИ ВРОЖДЕННЫМИ
ПОРОКАМИ СЕРДЦА

Паллиативные операции при лечении сложных врожденных пороков сердца (ВПС), компонентом которых является обструкция путей оттока из правого желудочка (ПЖ), применяются и поныне. «Неблагоприятная» анатомия и тяжесть исходного состояния пациентов вынуждают производить этапную коррекцию порока, причем ряд пациентов подвергается вмешательству в экстренном порядке. Достоинства и недостатки межартериальных шунтов, наиболее часто используемых как первый этап коррекции, общеизвестны. Значительно реже выполняется изолированная реконструкция (ИР) путей оттока из ПЖ.

